

Ўрта Осиёда араблар боскинига қадар ҳам кадимги ёзувлар бўлган. Улар асосан археологик изланишлар давомида турли йилларда топилган маҳаллий аҳолининг хоразмий, бохтарий, сугдий, кадимги туркий ва “номаълум ёзув” деб аталмиш ноёб ёзма ёдгорликларидир. Улар Парфия давлатининг пойтахти Эски Нисадан топилган подшо архиви, Тупрок қаладан топилган кадимги Хоразм подшоларининг архиви, Муг қала қасридан топилган сугд ҳужжатлари, Бактрия ҳудудларидан топилган диний, ахлокий-фалсафий мазмундаги ибодатхона ҳужжатларидир. Улардан ташқари кадимги самарқандликларга тегишли Дўнхуандан топилган оилавий хатлар, Афрасиёбдан топилган савдо қарз тилхати ва элчилик номалари, тангаларга ёзилган ёзувлар, “номаълум ёзув” сифатида бизгача етиб келган кадимги туркий ёзувлардир. Улар тошга, сополга, чармга, ёғочга, металга, қогозга ва бошқа буюмларга битилган текстлар, шахсий мактублар, ҳўжалик, ҳуқуқий ва дипломатик ҳужжатлар, диний, ахлокий-фалсафий текстларнинг парчалари ҳамда кўплаб нумизматика материаллари, яъни танга ёзувлари бўлиб, улар қисқа ва жуда қам бўлишидан қатъий назар, Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи тарихи ва маданиятини ўрганиш учун қимматли маълумотлар беради.

Ҳўш бу ёзув намуналари Ўрта Осиёда қачон пайдо бўлган, умуман инсоният қачон ёзувни қашф этиб, цивилизациялар тарихини бошлаб берди? Тарихдан маълумки, ёзув кишилиқ жамияти ҳаётида 5 минг йиллик тарихга эга. Ёзув дастлаб суратли ёзув сифатида Мисрда пайдо бўлди, яъни граматик ва семантик аниқлагич белгилари (детерминативлар)дан иборат иероглифлар яратилди. Сўнг кадимги Шумерда сўз ва бўгин ифода этувчи миҳхат ёзув тизими шаклланди. Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарида Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилларида таркиб топган давлатларда савдо ривожланади. Савдо-сотик ишларида ёзувга бўлган талаб ошади. Айниқса, Ўрта ер денгизи Шарқида, Шом (Сурия) ўлкаларида милодий эрадан аввалги XIII-XII асрларгача қўлланиб келинган бўгинлаб ёзишга мўлжалланган миҳхат ёзувлар тажрибасидан фойдаланиб, финикияликлар жаҳон аҳамиятига молиқ ёзувни ихтиро қиладилар. Бу ёзув тарихда биринчи бўлиб, инсон нутқи айрим товуш бириқларидан иборат эканлигини, шу товушлар бириқмасидан сўзлар ҳосил бўлишини тушуниб етадилар. Улар ҳар бир нутк товушини алоҳида, лекин доим бир шаклда қизиладиган ҳарф-белги орқали ифодаланишини ҳаётга олиб қиришади. Шундай қилиб, финикияликлар алифбони ишлаб қиқишди. Аммо улар алифбосида унли белгилар учун маҳсус ҳарфлар йўқ эди. Бу анъана кадимги Шарқ мамлақатларида қенг тарқалган, арабларда эса бу ҳозиргача бор.

Ана шу ёзувдан тахминан милoddан аввалги 1000 йиллар атрофида оромий ёзуви ажраб чиқиб, ўзининг илк босқичида (милoddан аввалги X-VII асрлар) финикия ёзуви чизма шакллари оромий тили доирасида катта синовдан ўтади. Бу ёзув намуналари тошларга битилган ахамоний подшоларининг (мил. авв. VI-IV асрлар) китобалари бўлиб, бу битиклар оромий ёзувига катта нуфуз беради. Бу нуфуз ахамонийлар давлати доирасида маҳкама тили ва ёзуви сифатида кўзга ташланади, яъни оромий ёзувининг халқаро нуфузи Бехустун қоятош битикларининг машҳур “70 банди”да ўз аксини топган. Ушбу тош китобада Доро I, унга тобе мамлакатларга оромий ёзувида буйругини таркатган. Бу буйруқ оромий ёзуви ҳақида бўлиб, унда “битикни бошқа қилиб орийча туздим, бунақаси илгари бўлмаган эди. Кейин эса бу ёзувни (барча) юртларга таркатдим. Уни халқлар қабул қилди”, дейди. Оромий ёзувида ҳам унли товушлар йўқ. Ундош товушларни ёза оладиган ибодатхона ходимлари сўзлардаги унлиларни ҳаёлан тиклаб ўқийдилар. Бундай ўқиш ёзув тарихида квазиалфавит дейилиб, оромий квазиалфавитидан парфия, хоразмий, бохтарий, сугдий ёзувлари пайдо бўлади. Демак, уларда ҳам унли товушлар йўқ. Оромий ёзуви ва унга асосланган бошқа ёзувлар алфавити 22 та ҳарф-белги асосида қурилган.

Факат Панжикент сарой ҳаробасидан топилган сопол тахтачада, яъни алифбода 23 та ҳарф-белги кўрсатилган.

Кадимги юнонлар Финикия ёзувига асосланиб, улардан фарқ қиладиган ўз алифбосини ишлаб чиқишган. Юнон алифбоси 25 ҳарфдан иборат. Юнон алифбосини Финикия алифбосидан муҳим фарқи шундаки, юнон ёзувида унли ҳарфлар ҳам бор. Юнон ёзуви асосида римликларнинг латин алифбоси ишлаб чиқилди ва у кейинчалик дунё халқлари латин алифбоси асосида ўз ёзувларини ишлаб чиқадилар. Оромий ёзуви эса Шарқнинг узок ўлкаларигача қириб бориб, эроний, туркий ва мўғулий тилли халқларнинг ёзувига асос бўлган. Сугд ёзуви асосида кадимги турк ёзуви пайдо бўлган. Ундан уйғур, мўғул ва манжур ёзувлари ўсиб чиққан. Уйғур ёзуви доирасида квазиалфавит хусусияти йўқатилиб, сўз тузилишида унлиларни ифодалаш бошланди. Бу тажрибадан мўғул ва манжур ёзувлари фойдаланиб, ўз ёзувларига унли товушларни қиритишган.

Ўрта Осиёнинг кадимги халқлари оромий алифбоси асосида ўз ёзувларини кашф этгач, маҳаллий аҳолининг маъновий-ахлоқий қарашлари, ҳўжалик ва ҳуқуқий ҳужжатлари, оилавий ёзишмалар, савдо-сотик ва танга пулларидаги ёзувлар шу ёзувларда олиб қорилган. Афсуски, уларнинг аксарияти турли сабабларга қўра бизгача етиб қелмаган. Буюқ Абу Райҳон Беруний ўзининг “Ўтмиш халқлардан қолган ёдқорликлар” асарида таъқидлаганидек, у ёзувларда битилган асарлар динийми ёки дунёвий араблар истилоси даврида йўқ қилинган. Уларнинг қорлиги ҳақидаги маълумотлар эса

археологик козишмалар вақтида ахён ва ахёнда учраб турадиган топилмаларга асосланган. Улар қуйидаги ёзувлардир:

Кадимги Хоразм ёзуви. Шимолий Хоразмда “Катта Ойбуйир калъа” ёдгорлигидан хум қорнига ёзилган оромий ёзуви нусхаси топилган. Бу Ўрта Осиёдаги оромий ёзувининг энг кадимги намунаси бўлиб, ушбу хум милоддан аввалги V асрга оид. Унга нима ёзилганлиги номаълум, чунки у ўқилмаган. Маҳаллий аҳоли оромий алфавитидан фойдаланиб, кадимги Хоразм тилига мослаб кашф этган хоразмий ёзувининг намунаси милоддан аввалги IV асрнинг охири – III аср бошларига оид ёдгорлик Кўй қирилган калъаан топилган, у атиги битта сўздан, яъни сопол парчасига ёзилган “ASPABAREK” сўзидан иборат бўлиб, у отлик аскар, сипохий деган маънони беради. Хронологик жиҳатдан навбатдаги хоразмий ёзуви милодий I-VIII асрлар оралигида зарб этилган кадимги Хоразм тангаларида учрайди. Тангаларда Вазамар, Артамах, Санобар деган кадимги Хоразм подшоларининг номлари ёзилган. Учунчи гуруҳ ёзувлар Тупрок калъадаги кадимги Хоразм подшоларининг архивидан топилган. Улар терига, ёғочга ва гишт тахтакачларга ёзилган 114 парча хўжалик ҳужжатлари, яъни теварак-атроф қишлоқлардан келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг миқдорий қўлхоти, қирим-чиким бухгалтерия ҳисоби ва бошқалар бўлиб, улар милодий III-IV асрларга тегишли эди. Кадимги Хоразм ёзувининг тўртинчи гуруҳи VI-VIII асрларга оид бўлиб, булар қумуш қадахчалардан иборат. Уларнинг сиртига уста ва эгасининг номи битилган. Бешинчи гуруҳ ёзувлар Тўққаладан топилган оқсурийлар сиртига ёзилган. Тўққала ёзувлари бутун бир қутбхона. Нихоят олтинчи гуруҳ ёзувлар Миздахкан ёдгорликлари мажмуасидаги Говур калъадан топилган.

Парфия ёзуви. Парфия давлатининг пойтахт шаҳри Митридатқирт қаладан (Эски Нисо) сополалikka ёзилган 2700 дан кўпроқ сопол парчалари топилган. Ушбу ёзув парчалари асосан хўжалик ҳужжатлари бўлиб, уларда кўпроқ вино ҳақида, вино келтирилган қишлоқ номлари, вино миқдори ва бошқалар ёзилган. Парфия ёзуви оромий ёзуви асосида подшо Митридат I даврида (милоддан аввалги II аср ўрталарида) ишлаб чиқилган, у 22 та ҳарфлардан иборат. Бу ёзув милоддан аввалги II-III асрларда мамлакат бўйлаб кенг тарқалган бўлиб, шу даврда Митридатқирт шаҳрида давлат архиви ташкил топган. Парфияда ўз тилида ёзилган ёзувдан ташқари, юнон тили ва ёзуви ҳам муомилада бўлган. Парфияда мутахассислар таъқидлашича, 2800га яқин оромий тилида ёзилган ёзув парчалари топилган.

Бохтарий ёзуви. Милоддан аввалги IV аср охиригача кадимги Бактрия ҳудудларида оромий ёзуви ишлатиб келинган. Кейин Бактрияда маҳкама тили ва ёзуви юнонча бўлган. Тахминан, милоддан аввалги III-II асрлар чегарасида оромий ёзуви асосида бохтарий ёзуви ишлаб чиқилади, деган илмий фаразлар мавжуд. Чунки Ойхонимда милоддан аввалги II аср биринчи ярмига тегишли бохтар ёзуви топилган. Кадимги Бактрияда ўша

асрларда бир вақтни ўзида бохтар ва юнон тили ва ёзуви, брахма ва кхорашта ёзувлари ҳам муомилада бўлганлиги ҳақида ёзма ва нумизматика материаллари топилган.

Нумизматика материаллари орасида Юнон-Бактрия подшолари расми ҳамда юнон ёзуви битилган кўплаб тангалар топилган. Дастлабки кушон подшолари Евкратид ва Гелиокл тангаларига таклид қилиб танга зарб қила бошлайдилар. Бу тангаларнинг олд томонида номаълум шохнинг боши, орқа томонида юнонлар худоси Зевснинг хайкали тасвирланган. Мухими шундаки, бу тангаларнинг асосий қисми Сурхондарё ёдгорликларида топилган. Материаллар таҳлилига кўра, бу тангалар Далварзинтепада зарб қилинган. Таҳмин қилинишича, бу тангалар Гуйшуан ҳокимлари томонидан зарб этирилган. Дастлаб бу тангаларнинг орқа томонида юнон худоси Зевс тасвирланса, текширишлар шуни кўрсатдики, вақт ўтиши билан танганинг орқа томонига энди Зевс ўрнига отнинг сурати зарб қилинабошлади. Тангага жойлаштирилган от сурати янги давлат пайдо бўлганлигидан далолат беради. Бундай тангалар ҳозиргача асосан Сурхондарё ёдгорликларидан топилмоқда. Демак, дастлабки кушон давлати шимолий Бактрияда ташкил топган, унинг пойтахти эса айнан Далварзинтепа бўлган. Тангаларда отнинг тасвирини пайдо бўлиши билан унинг олд томонидаги номаълум шох сурати ўрнида аниқ шох тасвири пайдо бўлади. Унинг юз қиёфаси Холчаёнда топилган хайкалларга ўхшаб кетади. Танганинг орқа томонида энди отнинг ўзи эмас, отлик, от минган киши тасвири туширилган. Бу ерда юнон ҳарфлари билан битилган тўртта сўз ҳам бор. Биринчи сўз-хукмдор, иккинчи сўз-Герай, учинчи сўз-халигача ўқилмаган, тўртинчи сўз-кушон деб ўқилади. Шундай қилиб, гуйшуан-кушон уругидан бўлган биринчи хукмдорнинг номи маълум бўлди. Афсуски, ҳозиргача Герайнинг хукмдорлик вақти аниқланмаган. Таҳмин қилинишича, у мил. авв. I асрнинг II-ярмида хукмронлик қилган. Хитой манбаларида Кудзуло Кадфиснинг подшолиги юечжи қабилалари Бактрияга келиб, юз йилларча вақт ўтгач, Гуйшуан 5та юечжи қабилаларини бирлаштириб, Гуйшуан подшолигини ташкил этганлиги ҳақида хабар берилади. Демак, Герай Кудзулагача Гуйшуанга ҳокимлик қилган. Кудзула Кадфис эса унинг ўғли ёки набираси бўлиб чиқади.

Шундай қилиб, кушонлар давлат тепасига келгач, бохтар тили ва ёзувига катта йўл очилади. Канишка даврида бохтарий тилига давлат мақоми берилиб, бохтар тили ва ёзуви барча соҳаларга кириб боради ва юнон тили ва ёзувини сиқиб чиқаради. Будда дини ибодатхоналари пештахталарида бохтар тили ва ёзувида Канишка ва унинг ворисларининг фармонлари ўз аксини топади. Масалан, сулолавий ибодатхоналар ҳисобланган Сурх-катал ва Рабатак ибодатхона пештахталаридаги ёзувлар бунга мисол бўла олади. Хатто, Канишка Рабатак ибодатхонаси деворларида аждодлари ва ўзини суратини ишлатган ва уларнинг номлари келтирилган. Аждодлар руйхатида (Кудзуло Кадфис, Вима Такто, Вима Кадфис) унинг бобоси сифатида Вима Такто исми келтирилади. Рабатак сулолавий ибодатхонада Канишканинг бобоси Вима Такто номини биринчи бор келтирилиши тарих фани учун сенсация эди. Унгача кушон тангаларининг орасида исмсиз шох Сотер Мегас номи билан тангалар мавжудлигини биламиз. Аммо, у тангалар Вима Тактога тегишлими ёки Вима Кадфисгами? Бу муаммо эди. Бизнингча,

номсиз шох тангалари Вима Тактога тегишли бўлса керак. Чунки, Вима Кадфис номида зарб этилган тангалар бор. Шундай ҳам бўлсин, у холда нима учун Вима Такто ўз исми билан танга зарб эттирмай, исмсиз шох номи билан пул чикартирган. Бу масала ҳам ҳозирча муаммо бўлиб қолади. Рабатак ёзувининг яна бир муҳим жиҳати борки, у ҳам бўлса, Кушон подшоҳи Канишка ўзи ва сулолавий аجدодларининг келиб чиқишини орийлардан эканлигини таъкидлаб ўтади. Бу маълумот ўзбек халқи этногенези учун жуда муҳим фактдир.

Милоддан аввалги III-II асрларда оромий ёзуви асосида шаклланган сугд ёзуви ўлкамиз маданияти тарихида муҳим рўл ўйнади. Бу ёзув ижтимоий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида кенг қўлланган. Сугд тили ва ёзуви Сугдиёна ҳудудларидан ташқари Фарғона водийсида, Тошкент воҳасида ва Ёттисувда кенг ёйилган. Сугд ёзуви орқали бизгача эрамиз бошларидан то XI аср биринчи чорагига қадар ёзилган кўплаб ноёб ёзма ёдгорликлар етиб келган. Улар орасида кўплаб нумизматика материаллари (танга ёзувлари), металл, сопол, ёғоч, чарм, коғоз ва бошқа буюмларга битилган текстлар, шахсий мактублар, хўжалик ва молия ҳисобати ҳамда ҳуқуқий ва дипломатик ҳужжатлар, никоҳ гувоҳномалари, айғокчилик мактублари, диний, ахлоқий-фалсафий текстларнинг парчалари бор.

Сугд ёзуви 22 та ҳарф-белгидан иборат. У бир неча босқичли ўз бошидан кечирган. Унинг илк босқичи юнон-бактрия тангаларига та клид қилиб чикарилган сугд тангаларида учрайди. Шунингдек, сугд ёзувининг намуналари Афрасиёбдан топилган милодий эранинг I-III асрларга тегишли сопол парчаларида ва терракота ҳайкалчаларда учрайди. Милодий II асрда Сугдда қумуш тангалар зарб этила бошлайди ва у жаҳон бозорига чиқади. Бу тангалар то милодий V-VI асрларда Кеш пойтахти бўлган сугд конфедератив давлати ташкил топгунга қадар давом этади. Сўнг VII аср ўрталаридан Сугд конфедерациясининг пойтахти Самарқандга қўчгандан кейин сугд ёзувининг ташқи шакли янада такомиллашиб, унинг ички тил товуш мазмуни аниқ ифодалаш томон ўсади ва муайян орфографик нормалар вуҷудга келади.

Сугдда қумуш тангалар зарб этилиб, жаҳон бозорига чиқгач, сугд савдогарларининг иши юришиб, сугд савдо қарвонлари Шарқда узок ўлкаларга кириб боради. Жанубий-шарқий Ўролорти ўлкаларида, Енисей хавзалари районларида, Жанубий Сибир ва Ангара дарёси хавзаларида, шимолий Хитой ва Монғолияда сугд савдо факториялари (савдо қарвон саройлари) ва қишлоқлари пайдо бўлади. Сугд савдогарлари узок ўлкаларга ҳам кириб борганлар. Улар қаерга кириб борса, ўша жойга сугд ёзуви ҳам кириб борган. Фикримизнинг далили сифатида 1889 йилда Мўғулистонда топилган сугд ёзувини кўрсатиш мумкин. Мўғулистондаги сугд ёзуви ёдгорлиги – XI асрда ҳукмронлик қилган уйғур ҳокими шарафига қабр устидаги плитага ёзилган ёзув эди.

Қадимда йирик халқаро савдо пунктларидан бири шимолий – ғарбий Хитой шаҳри Дунхуанда бўлиб, айнан мана шу шаҳарда 3 минг самарқандлик савдо аҳли жойлашган самарқанд квартали ташкил топган. Дунхуан савдо факторияси савдогарлари она ватани-она шаҳри Самарқанд билан узвий алоқада бўлиб, Самарқандга қарвонлар орқали хатлар юбариб туришган. Ана шундай хатлардан 9 таси эгасига етиб бормай, Дунхуан почта-башнясида қолиб қетган. У хатлар милодий 313-317 йилларда ёзилган бўлиб, уларни ўтган асрнинг бошларида инглиз археологлари топиб ўрганганлар. Сугд тилида ёзилган бу хатлар тарихда “Қадимги сугд мактублари” номи билан машҳурдир.

Ана шундай ёдгорликларнинг катта гуруҳи 1933 йилда Хайрабод қишлоғи яқинида Муг қалъа қасри харобаларидан топилган сугд ҳужжатларидир. Муг қала сугд архиви деб юритилган бу ёзма ҳужжатлар мажмуаси VIII асрнинг дастлабки ўн йиллигига оид (712-722) 89 та ҳужжат бўлиб, улардан 74 таси сугд тилида (шундан 29 таси терига, 22 таси қогозга, 23 таси ёғочга) ёзилган эди. Қолганлари араб тилида ёзилган эди. Давлат ҳужжатларини Сугд подшосига тобе Панч (Панжикент) ҳокимлиги саройидан Муг қалъа қасрига бориб қолишининг боиси шундаки, араблар босқини даврида Панжикент ҳокими Деваштич араб истилочиларига қарши сугд-чоч-фарғана-турк ҳарбий иттифоқини тузиш мақсадида, у ўлка ва мамлакат бошлиқлари билан дипломатик ёзишмалар олиб боради. Самарқанд ихшиди (подшоси) Тархуннинг қаттиятсизлигидан норози бўлиб, бир вақтни ўзида ўзини Самарқанд тахти давоғари деб эълон қилади ва арабларга қаршилик кўрсатишни бошлаб юбаради. Аммо, араблар қучли қелиб, Деваштич қўшинлари бир неча зарбалардан сўнг тоғ томон чекинадилар ва тоғдаги Муг қалъага оила ва барча яқинлари билан жойлашиб оладилар. Деваштич Муг қалъага чекинганда сарой архивини ҳам бирга олиб қетган бўлган.

Араб қўшинлари мудофаачиларни у ерда ҳам тинч қўймади. 722 йилда икки орада қаттиқ жанглар бўлган, қалъа эса вайрон қилинган. Араб қўмонданлиги Деваштични Хуросондаги халифалик ноиб ҳукмига юбаради. Деваштич Хуросон ноиб қўйган шартларни қабул қилгач, уни Сугдга қўйиб қайтариб юбаради. Аммо, хуфийа буйруқ асосида Рабинжон (Қаттақўргон шаҳри яқинидаги илк ўрта асрлар шаҳар харобаси) зардуштийлар қабристонида оёқ-қўлларини ёғочга михлаш йўли билан қатл қилдилар.

Муг қаласида қолиб қетган сугд архиви роса 1210 йил ўтгач, 1932-33 йилларда топилди. Мутахассис олимлар муг қалъа ҳужжатларини ўрганиб бир неча туркумларга ажратганлар. Ана шу тадқиқотларга кўра, А-14 ҳужжат Сугд элчиси Фатүфарннинг Чочдан жўнатган мактуби бўлса, В-8 ер харид қилиш ҳақидаги сугдча ҳужжат, В-4 тегиримон ижараси ҳақидаги ҳужжат, пов.3-сугдча никоҳ гувоҳномаси, пов.4-қуёвнинг қелин томон олдидаги мажбуриятлари, А-9 –қўшни ҳокимликлардаги аҳвол тўғрисида

Деваштичга унинг айгокчиси ёзган мактуб ва бошқалар.

Сугд тили ва ёзуви ҳақидаги яна бир ҳужжат Афрасиёбдан, Самарканд ихшиди Вархуман саройи деворидан топилган. Вархуман 651 йилда ҳокимият тепасига келиши шарафига шохона сарой курдирган. Сарой калин пахсадан қурилган монументал (11х11 м.) бино бўлиб, унинг деворлари ранг-баранг деворий суратлар билан безатилган эди. Сарой деворининг бир томонида Чоганиён мамлакатидан Самаркандга ташриф буюрган элчилик қарвони чизилган бўлса, саройнинг иккинчи деворида Узок Шарқдан (эхтимол Хитойдандир) денгиз сувида елканли улкан кемада сузиб келаётган элчилар тасвирланган. Учинчи девор ўртасида эшик бўлиб, унинг ўнг томонида муқаддас Варукаша денгизида болаларини сузаётганлигини тиззасидан сувга кириб, тамоша қилаётган гўзал аёллар, сузиб юрган балик ва тошбоқалар тасвирланса, эшикнинг чоп томонида эркакларни от устида қовғин ўйини ўйнаётганликлари тасвирланган.

Яна бир деворда 3 ярусда суратлар, суратларнинг юқори яруси тўлиқ сақланмаган. Унинг иккинчи ярусидан подшо Вархуман тахти равонда ўз аёнлари, унга тобе ишхидликларнинг ҳокимлари билан (улар 11 ҳокимлик бошлиқлари бўлса керак, чунки тахти равон яқинида 11 та байроқ хилпиллаб турибди) элчи меҳмонларни қутмоқда. Саройнинг биринчи қаватидан иккинчи қаватга, қўлларида қиммат баҳо совғалари билан пиллапоядан юқorigа қўтарилаётган элчилар тасвири туширилган. Биринчи ярусда (қаватда) қабулга навбат қутаётганлар қаторида, бир чеккада, узун ҳалат кийган мусаввир сурати ҳам бор. Унинг ҳалати этагига 11 қаторли сугдча хат битилган. Хатда Самаркандга келган элчилар ҳақида маълумотлар бор. Элчиларни Чоганиён ва Чочдан келгани аниқ. Чунки хатда улар ёзилган. Хатнинг бузилган, уқаланиб кетган жойларида яна нималардир ёзилган. Хатда Самарканд Смараканса талаффусида берилибди. Шундай талаффуздаги Самарканд номи Дунхуан мактубларида ва Муг қала ҳужжатларида ҳам бор. Демак, сугдийлар ўз тилларида Самаркандни “Смараканса” деб атаган эканлар.

XX асрнинг 70 йилларида милодий IV асрга тегишли ёғочга битилган сугдча ҳужжат Афрасиёбдан топилган. Сугдшунос М.Исхақовнинг хабар беришича, бу хат Самаркандлик бир савдогарни ўз ҳамкасбига қарзга берган пулига тилхат экан. Хат мазмуни ва қарз шартларининг тахлилига қўра, қарз олувчи қарз берувчига сутхўрлик шартлари қўймай, қайтариш муддати келганда, қарзга олган пул қиммати баробарида қарзни қайтариш қайд қилинган. Бунинг учун қарз берувчи қарз олувчи билан бозорга бориб, берилаётган пулга қанча сўйишга тайёр наввос қилишини аниқлаганлар. Қайтариш вақтида ҳам худди шундай қилиниб, қарз қайтарилган. Ушбу тилхат ана шу ҳақда бўлган

Сугд ёзуви кўп сохаларга кириб борган. Масалан, Пахлавон Рустам тўғрисидаги халк достонида “Калила ва Димна” тўғрисидаги иккита парча сугдча баён килинган, VIII-IX асрларга доир диний мазмундаги бир неча будда, христиан, манихей матнлари, будда илохияти, будда адабиёти асарларини ўз ичига олган бир гуруҳ хужжатлар сугд тили ва сугд ёзувида битилган. Хуллос, юкорида кайд килинган ёзув намуналарида, гарчи уларнинг деярли барчаси айрим сугд ёзуви парчаларидан иборат бўлишига карамай, Ўрта Осиё халклари, жумладан ўзбек халки кадимги тарихи ва маданияти хакида кимматли ва ноёб маълумотлар беради. Шунингдек, уларни илмий тахлили асосида ўзбек этногенези ва этник тарихини ўрганиш учун ҳам тегишли маълумотлар олиш мумкин.

Кадимда сугдий, бохтарий ва хоразмий ёзувлари каторида оромий алифбоси асосида туркий ёзув ҳам кашф этилган. Хозирги вақтда Осиё ва Европанинг турли минтакаларида бу ёзувга доир топилган ёзма ёдгорликларнинг сони 300 га яқинлашиб колди. Дастлаб улар Енисей ва ўрхун дарёлари хавзаларидан топилиб, белгиларнинг ўзига хос рунийсимон шаклига кўра, “ўрхун-енисей руний ёзуви» деб атала бошлади. 38 та харфдан иборат бу ёзув Жанубий Сибир, Марказий Осиёнинг туркий забон кабилалари ва элатлари ўртасида кенг таркалган. Руний ёзувларининг каттагина кисми қояларга, кабр тошларига, тошдан ясалган одам хайкалларига ўйиб ёзилган. Бир кисм хатлар эса металлдан ишланган идишларда - сопол, танга, коғоз ва ёғочда учрайди.

Кадимги туркий ёзуви асосан будда тарихий биографик лавҳалардан иборат бўлиб, турк, уйгур, киргиз аслзодалари, хокон уругидан чиккан машхур кишиларнинг хизматлари ва уларнинг кахрамонлик хатти- харакатларини махташга бағишланган. Кадимги туркий ёзувининг энг йирик ёдгорлиги “Ирк битиги” (Фолбинлик китобчаси) бўлиб, у қарийиб 100 саҳифадан иборат. Билга хокон, Култегин шарафига битилган ёдгорликлар, Ўнгин ёзуви, Тунюкук, Мўйин чура ва Кули чура шарафига битилган ёдгорликлар уларнинг энг машхурларидирлар. Сибир ва Шимолий Мўғулистондан ташқари руний ёзуви ёдгорликлари Шарқий Европада, Шарқий Туркистон ва Олойда, Ўрта Осиё ва шимолий-шарқий Қора денгиз хавзаларида ҳам учрайди. Бу ёзувнинг пайдо бўлиши милоддан аввалги I-минг йилликка тўғри келади, деган фаразлар бор.

Мутахассислар тахлилига кўра, илк ўрта асрларда фақат туркий нутқ Дон ва Кубан хавзалари аҳолисини, Сирдарё ва Толос, Юкори ва Ўрта Енисейнинг бошланиш кисмларидаги аҳолини бирлаштириб турган.

“Номаълум ёзув”. Бу ёзувга тегишли дастлабки маълумот 1954 йилда француз археологи А.Марик томонидан бир идиш парчасидаги ёзувдан бошланди. Бу биринчи

“номаълум ёзув” намунаси эди. 1966 йилда Г.А.Пугаченкова Холчаёндан “номалум ёзув” лавҳасини топади. Бу ёзув ҳам ўқилмай номаълумлигича колди. 1967 йилда Дашти Навур (Афғонистон) да қояга ёзилган шундай ёзув намунаси топилади. У эрамининг I асрига тегишли бўлиб, у уч тилда, яъни кхарошта, юнонча графика асосидаги бактрияча ва номаълум тилда ёзилган эди.

Машҳур тилшунос олим Ж.Фюсман бу хат ўнг томондан чап томонга қараб ёзилишини, Сурх-Котал ва Холчаён ёзувлари билан бир эканлигини исботлайди. 1972 йилда археолог К. Акишев машҳур «Иссик» кўргонидан қумуш қосага ёзилган, милоддан аввалги IV-III асрга тегишли ёзувни топади, тилшунослар эса уни “номаълум ёзув” сирасига қўшадилар. Уни ўқишда мутахассислар орасида ҳар хиллик бўлсада, аммо “Иссик” кўргони милоддан аввалги III асрдан қаммаслиги масаласида мутахассислар орасида иккиланиш йўқ. Яна “иссик” ёзуви “номаълум ёзуви” тарқалган тарихий-маданий минтақалар географиясига аниқлик киритди. Бу ёзув намуналари жанубий Ўзбекистоннинг Хотинрабод, Коратепа, Фаёзтепа, Тўққизтепа, Кампиртепа каби ёдгорликларидан, Шимолий Афғонистоннинг Ойхонум ёдгорлигидан ҳам топилган. “Иссик” ёзуви (“номаълум ёзув”) ёдгорликларини академик Э.В.Ртвеладзе Юечжи қабилалари билан боғлайди. В.А.Лившиц эса уни сакларга тегишли дейди. Шу билан бирга, «иссик» ёзувини қушон империяси ёзув тизимининг расмий шакллари билан дега ҳулосага қелади. Кейинги йилларда тадқиқотчилар бу ёзувни энг қадимги туркий ёзув бўлиши қарар қилди, дега фаразларни ўртага ташламоқдалар. Масалан А. С. Омонжулов “Иссик” ёзуви туркий ёзув эканлигига шубҳа қилмайди. Биз ҳам шу фикрдамыз. Э.В. Ртвеладзе “номаълум ёзув” тилини аниқлаш муайян этносни ёзув атрибутикасига ўзла-қесил тузатишлар қиратади. Ҳар ҳолда “номаълум ёзув”ни тарқатиш географияси ҳам уни юечжи қабилаларига мансублигига шубҳа ўйотмайди дейди. Дарҳақиқат, бу ёзув Ўрта Осиёнинг жанубий-шарқий қисми ва Афғонистоннинг шимолий қисмида шаклланган қўринади. Ёзув ёдгорликларининг тарқатиш минтақаси “Иссик” кўргони райони ва Еттисувдан жанубда то Хиндикушга ва шарқда шимолий Афғонистондан қисми то Шарқий Туркменистонга қўйилган. Қоғош доираси милоддан аввалги III асрдан то қадимий VIII асрга қўйилган қадимий ўз қисми олади.